

**Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан
хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1445-ҳадис**

1445 – وَعَنْهَا: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَقُولُ فِي كُوعِهِ وَسُجُودِهِ: «سُبُّوحٌ،
قُدُّوسٌ، رَبُّ الْمَلَائِكَةِ وَالرُّوحِ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [487].

1445. Яна у кишидан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рукуъ ва саждаларида «Суббуухун, қуддуусун Роббул малааикати вар Руух» дер эдилар».

* Маъноси: «(У Зот) Суббухдир, Қуддусдир, фаришталар ва Руҳнинг Роббидир».

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: «Суббухун» Аллоҳ таолонинг исмларидан бўлиб нуқсонлардан пок маъносини билдиради. «Қуддус» исми эса муқаддас ва покланган маъносини билдиради. «ар-Руҳ»дан мурод Жаброил алайҳиссаломдир.

Манба: hadis.islom.uz

